

## ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИТИРУВЧИСИНИНГ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

PhD. Н.А. Ниязова

Наманган мұхандислик-қурилиш институты

Ш.Ш. Назарова

Наманган мұхандислик-қурилиш институты

<https://doi.org/10.5281/zenodo.70100001>

**Аннотация:** Ушбу мақоланинг мақсади битирувчиларни ОТМда касбий таълим олиш жараёнида рақобатбардошлигини ривожлантириш муаммосининг моҳиятли жиҳатларини муҳим ўрганиш, ОТМ битирувчиларининг рақобатбардошлигини ривожлантириш жараёнига мамлакатимиз олий таълимидаги баҳо берилиши муаммосини ўрганиш ҳисобланади. Олий таълимнинг ҳозирги кундаги ривожланишида рақобатбардош ОТМ битирувчиларини ривожлантиришда айтиб ўтилган қонун-қоидалар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилади.

**Калим сўзлар:** Олий таълим муассасалари, ривожлантириш, битирувчи, рақобатбардош, профессионал, стратегик.

## РАЗВИТИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫПУСКНИКА ТЕХНИЧЕСКОГО ВУЗА.

**Аннотация:** Целью данной статьи является исследование существенных аспектов проблемы развития конкурентоспособности выпускников в процессе профессионального образования в ВУЗах, исследование проблемы оценки процесса развития конкурентоспособности выпускников высшего образования нашей страны. Проведен сравнительный анализ указанных закономерностей и подходов в развитии конкурентоспособности выпускников высших учебных заведений в условиях современного развития высшей школы.

**Ключевые слова:** ВУЗы, развитие, выпускник, конкурентоспособный, профессиональный, стратегический.

## DEVELOPMENT OF COMPETITIVENESS OF TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS' GRADUATES.

**Abstract:** The purpose of this article is to study the essential aspects of the problem of developing the competitiveness of graduates in the process of vocational education in higher education, to study the problem of evaluating the process of developing the competitiveness of graduates in higher education. In the current development of higher education, a comparative analysis of the above-mentioned principles and approaches in the development of competitive higher education graduates will be carried out.

**Keywords:** Higher education institutions, development, graduate, competitive, professional, strategic.

## КИРИШ

Ҳалқаро педагогик тажрибаларга кўра, техник олий таълим муассасалари битирувчиларини рақобатбардошлигини ривожлантиришда таълимнинг узвийлиги-узлуксизлиги, таълим тизими фаолиятининг самарадорлиги, таълим олувчининг педагогик-психологик, иқтисодий-ижтимоий, социологик, индивидуал қобилияtlарини инобатта олган ҳолда билим беришнинг турли ҳилдаги усул, воситаларини қўллаш орқали, унинг яширин қобилияtlарини тўлиқ рўёбга чиқариш учун техник-технология, ижодий мухит яратиш билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, узлуксиз профессионал таълимда ўқитишнинг

узвийлигини таъминлаш, ўқув-билув жараёнларини ривожлантириш ва ихтисослик фанлар мазмунини амалий қўнималарга йўналтириш, мутахассис кадрларда ҳаётий ва касбий фаолиятини ташкил этиш учун зарур амалий билимларни изчил ва мақсадли ривожлантириш, “профессионал - олий таълим” муассасаларининг ижтимоий-иктисодий, услубий-методик, илмий-педагогик ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, таълим тизимида илгор педагогик, рақамли технологиялар ва ўқитишнинг кредит-модул тизими каби замонавий ёндашувлар асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш тамойилларини ва методикаларини илм-фан тараққиёти тенденциялари асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Таълим ислоҳотлари доимий равишда ўзгариб турган ҳамда бозор иктисодиёти шароитида жамиятнинг ҳар бир ишчи аъзосининг рақобатдошлиги муҳим аҳамият касб этади. Жамият алоҳида шахслардан иборат бўлганлиги боис, алоҳида шахсларнинг рақобатбардошлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Рақобатбардош ОТМ битирувчисини ривожлантириш муаммосини бугунги кундаги ҳолатини илмий-назарий ва услубий қиёсий таҳлил қилиш бизга шахснинг ўзига хос тараққиётга мойиллиги, муайян жамиятда ўзгарувчан ҳаёт фаолияти, шунингдек касбий соҳа шароитида шахсга ўзига хослигини аниқлашга имкон бор деган хulosа қилиш мумкин. Шу сабабли, “рақобатдош олий таълим битирувчisi” – бўлажак мутахассис тушунчасини кўриб чиқиш биз томонимиздан инсон шахсининг ўзини такомиллаштириш, шунингдек, унинг касбий фаолияти муаммоларини амалга ошириш нуқтаи назаридан алоқани сақлаб қолиш орқали амалга оширилади.

ОТМнинг рақобатбардош битирувчисини ривожлантириш муаммосининг олий таълим назарияси ва амалиётидаги долзарб шароитини кўриб чиқиш, бугунги кунга қадар мамлакатимиз олий таълимининг бир қатор профессор – ўқитувчилари “ОТМнинг рақобатбардош битирувчisi” тушунчасига атрофлича таъриф бериш, замонавий ижтимоий-иктисодий шароитда юқори касбий таълим битирувчисини ривожлантириш учун асосий категория сифатида унинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилмоқдалар.

Биз томонимиздан ўтказилган рақобатбардош ОТМ битирувчисини риқобатбардошлигини ривожлантириш бўйича тадқиқот психологик-педагогик ва иктисодий муаммо ҳисобланади. Рақобатбардош ОТМ битирувчисини ривожлантириш бир қанча сабабларга боғлик, улар: олий таълим моҳиятан инертлиги; ОТМ дипломларининг қадрсизланиши; иш берувчи томонидан талабларнинг ўсиб бораётганлиги; замонавий меҳнат бозорининг ўзгартириши ва бошқалар.

Рақобатбардош ОТМ битирувчисини ривожлантириш муаммосининг моҳияти бугунги кунда ёш мутахассислар меҳнат салоҳияти тараққиётининг бозор иктисодиёти мезонларига мос эмаслиги, мавжуд замонавий меҳнат шароитида битирувчилар меҳнат салоҳиятининг пастлиги – буларнинг барчаси, умуман олганда, ОТМ битирувчиларининг ички меҳнат бозорида рақобатдошлиқ даражасини сезиларли даражада пасайтиради.

Олий таълим муассасалари ўртасида рақобатнинг кучайиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият - меҳнат бозорида битирувчиларини рақобатбардошлигига, бандлик муаммоларининг кучайиши, лавозим бўйича ўсишда ОТМнинг талабалар касбий карьерасига таъсир қилиши ҳисобга олинади. Ҳозирги вазият иш берувчилар орасида ёш мутахассисларга бўлган талабни пасайтириши, ОТМда мутахассисларни тайёрлашга

бўлган талабларни ўзгариши, иш берувчи билан муносабатларини заифлаширилиши битирувчиларнинг диплом олиш имкониятини ва меҳнат билан таъминланиши имкониятини пасайтиради. Рақобат муҳитида битирувчиларнинг ҳаракат қилиш ва яшаб кетиш имкониятининг чекланганлиги мамлакатимиз касбий тайёргарлик амалиётига стратегик режалаштиришнинг долзарб муаммаоларини киритишни талаб қиласди.

Бундай ҳолда, олий таълим амалиётида битирувчининг рақобатбардошлигини ривожлантиришни стратегик режалаштириш муаммосини ҳал қилиш ҳақида гапиришимиз мумкин. ОТМ битирувчининг рақобатбардошлигини шакллантиришни стратегик режалаштириш муаммоси муайян касбий фаолиятнинг билим ва кўникмаларини тўплаш ва ривожлантириш жараёнидан бевосита бозор иқтисодиёти шароитида амалга ошириладиган мутахассисларни тарбиялашда ўз аксини топган бўлиб, у ёш дипломли мутахассисларга муайян талабларни белгиловчи ўз қонунларига бўйсунади.

Талабанинг рақобатбардошлигини ривожлантириш жараёнини стратегик режалаштириш муаммосини ҳал қилиш зарурати мутахассисларнинг эътиборини талабанинг касбий ёндашувини ривожлантиришга қаратади, бунда келажақдаги касбий фаолиятининг мазмуни, шу жумладан, иш жойлари учун рақобат билан боғлиқ бўлган касбий муаммоларни ҳал қилиш вариантлари ва усулларини мустақил равишда белгилашга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда битирувчининг рақобатбардошлиги мутахассисларнинг шахсий-субъектив натижалари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши зарур.

Ушбу тадқиқотнинг негизида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг муаммосини ҳал қилишининг йўлларини яратиш ва ривожлантиришдан иборат яна бир муаммоси - меҳнат бозорини ҳар томонлама диагностика қилиш ва ўкув таълим хизматларини кўрсатишни узатиш масаласини ҳал қилишдир.

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги мақсадга эришишда ёш мутахассис рақобатбардош устунлигига эга бўлиши зарур бўлиб, у ОТМ битирувчисининг мавжуд рақобатчилари олдида муайян устунликка эгалигини англашга имкон беради. Бу ҳолда, талабанинг ўз рақобатбардошлигини мустақил бошқаришга уриниши стратегик ва тактик аҳамиятга эга омиллар гуруҳига таяниши зарур. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, стратегик хатти-ҳаракатлари омили стратегик ва тактик мақсадга эришишнинг омили, яъни битирувчининг меҳнат бозорида рақобатлаша олишга тайёр бўлиш керак деган маънони билдиради.

Стратегик хулқ-атвор омилларига қуйидагилар киради.

- талабанинг ҳам ўқишида ва келгусидаги касбий фаолиятида узлуксиз мувваффақиятга интилишини билдиради;
- таълим жараёни мобайнида эгалланган ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳамда ҳаётдаги интилишларни мустақил бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ўзининг келажақдаги мутахассислигини тўлиқ ўзлаштиришга интилиш;
- талаба томонидан шахсий ишчанлик қобилиятининг юқори даражасини намойиш этиш.

Талабанинг олий ўкув юртида ўкиш пайтида тактик хатти-ҳаракатлари омилларига талаба ўзининг стратегик мақсадларига эришиш учун амалга оширадиган ҳақиқий қадамлари киради:

- талаба ОТМ дастури бўйича ўқиши бошлаганидан бошлаб билимларни интенсив ўзлаштириши;

- режалаштириш тизимидан ўз ҳаёти ва ўқишида фойдаланиш;

- ўз тайёргарлигини доимий назорат қилиш ва уни тайёрлаш натижалари жараёни.

Бизнинг фикримизга кўра, нафақат ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий қобилияtlарини ўрганиш, балки меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатлашиш қобилиятига асосланиб, профессионал таълим амалиётига стратегик режалаштириши жорий этишнинг долзарблиги туфайли сўнги йилларда жадал равишда рақобатбардош шахсни ривожлантириш янги ёндашувлар ва таълимда инновацияларни жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

ОТМ профессор - ўқитувчилари олдига долзарб вазифа қўйилган, у ҳам бўлса, таълим шаклларини рақобатбардош ОТМ талабасини ривожлантириш бўйича метод ва воситаларни ҳамда замонавий ўкув назариясини ишлаб чиқиши. Бундан ташқари, ОТМ битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш ушбу жараёнда иштирок этган барча қуи тизимлардаги ишларни қайта кўриб чиқиши заруратини фаоллаштиради, яъни мақсадли, функционал-мазмунли, ташкилий-услубий, баҳолаш, амалиётга йўналтирилган ва информацион фаолиятлар.

Мазкур муаммога турли фикрларни сарҳисоб қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, анъанавий зарурый билим, қўнікма ва малакалардан ташқари иш берувчиларнинг асосий эътибори мутахассисларнинг касбий эҳтиёжларига, уларнинг меҳнатга мотивацияси, шахснинг ижобий қадриятлари, берилган мақсадли йўналишларга эришиш қобилияти, касбий дунёқарашни доимий равишида кенгайтириш истаги, мустақил такомиллашиш ва мустақил ривожланиш.

ОТМ битирувчиларнинг рақобатбардошлигини стратегик режалаштириш нуқтаи назаридан нафақат ёш мутахассисларда рақобатбардошлик хусусиятларини ривожлантириш билан бир қаторда битирувчиларнинг меҳнат бозорида мавжуд бўлган иш жойларига қизиқиши каби сифатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади.

Бунда замонавий жамиятда юқори малакали мутахассис сифатида битирувчининг рақобатбардошлиги уларнинг касбий фаолияти соҳасидаги чуқур билимлари, ривожланган касбий ва шахсий хусусиятлар, ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий вазиятга мослашувчанлик қобилиятига эга бўлиш, олдига қўйилган вазифаларни бажаришда шахсий жавобгарлик даражасида ўз аксини топади. Шу боис, ОТМнинг рақобатбардош битирувчиси шахсий тавсифларга эга бўлиши керак бўлиб, улар касбий жиҳатдан яхшироқ ривожланиш, меҳнат бозори муайян соҳасида янада кулай ва муваффақиятли жойга эга бўлиш, унинг мутахассис сифатида талаб ва эҳтиёжга эга бўлишга интилиши зарур.

Шубҳасиз, ОТМ битирувчисининг рақобатбардошлигини ривожлантиришни стратегик режалаштириш натижасида юзага келадиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, битирувчининг рақобатбардошлиги стратегиясини амалга ошириш механизmlарини излаш ва шарт-шароитларни ишлаб чиқишида ифодаланади.

Кўп жиҳатдан бу фундаментал ўзгаришлар охирги йилларда иш берувчилар ва ОТМлар орасидаги ўзаро таъсир тизими хусусияти, шунингдек давлат ва нодавлат ОТМларнинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ҳамкорлик тизимининг табиатидан келиб чиқади. Аслида, иш берувчи томонидан ўзининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва оптималлаштириш учун малакали мутахассисларни жалб қилиши кўп

борада унинг бозорда яшаш қобилияти ва иқтисодий суръатларини ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

### **МУХОКАМА**

Биз томонимиздан олий таълимда юзага келган вазиятни таҳлил қилиш кўрсатишича, битирувчиларнинг касбий ўзини ўзи ривожлантириш имкониятларини камайтирувчи асосий омиллар, уларнинг касбий ўсиши секинлаштирувчи ҳамда меҳнат бозорида ёш мутахассислар рақобатбардошлигини оширишига сабаб бўлиши омиллар ҳисобга олишга муҳтоҷ бўлади. ОТМ амалиётида рақобатдош шахсни ривожлантириш унинг касбий ривожланиши имкониятларини камайтирувчи салбий омилларни бартараф этишга имкон беради.

Бугунги кунда ОТМлар томонидан ўз талабаларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари, технологиялари, усуслари ва бошқаларни самарали деб бўлмайди. Шу боис ОТМ талабаларини тайёрлаш сифатини ривожлантириш орқали ишлашга ўргатишнинг янги моделини яратиш, уларнинг рақобатдош устунликларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши зарур. Ушбу муаммонинг ечимини биз рақобатбардош ОТМ битирувчисини ривожлантиришнинг стратегик режалаштириш амалиётини жорий қилишда таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва рақобатбардошликни шакллантиришда кўрамиз.

### **ХУЛОСА**

Рақобатбардошликни ривожлантириш соҳаси муаммолари- битирувчиларнинг қобилиятларини ўрганиш орқали, у назарий таркиб нуқтаи назаридан тафовутларга эга деган хulosага келдик: концепциянинг таркибини тушуниш, уни услубий асослашга турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги; мазкур педагогик феноменини жараён сифатида талқин қилиш, шахснинг мазкур сифати ривожланганлигини умумий, янада муҳим шартларнинг йўқлиги; шахсдаги мазкур сифатларнинг ривожланганлигини аниқлаш ва шу муносабат билан бир қатор ўхшаш муаммоларни ўзида мужассамлаштиради.

Шундай қилиб, шахснинг мураккаб физиологик, интеллектуал ва бошқа таълим ресурсларини акс эттирувчи мураккаб хусусиятлари кесимида "ОТМнинг рақобатбардош битирувчisi" атамасини талқин қилишда унинг ахлоқий-этик жиҳатлари, рақобатбардошликнинг асосий унсурлари касбий моҳирлик, ОТМ битирувчисининг меҳнат бозоридаги рақобатга руҳий тайёрлиги каби омилларни ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, ушбу маколада асосий мақсад, яъни рақобатбардош ОТМ битирувчисини ривожлантириш муаммосига бўлган асосий ёндашувларни аниқлаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ вазифага эришилган.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. Руднева Е.Л. Теоретические основы формирования жизненных и профессиональных ценностных ориентаций студентов. – Кемерово: Н-Университет, 2002. – 300 С.
2. Порттер М. Конкуренция. – М.: Изд–во «Вильямс», 2005. – 602 С.
3. Friedrich A. Hayek. Individualism and Economic Order. 3rd ed. MISES, 2011.
4. Эргашев Б.Б. Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси. Наманган Давлат Университети Илмий Ахборотномаси. – Наманган. - 2019. - №12. - Б. 229 - 234.
5. Ниязова Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятида узлуксиз ривожланиш босқичлари //pedagogs journali. – 2022. – Т. 6. – №. 1. – С. 326-337.

6. Niyazova N.A. Advantages of the use of information and communication technologies in education //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 12. – С. 234-237.
7. Ниязова Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятида узлуксиз ривожланиш босқичлари //pedagogs jurnali. – 2022. – Т. 6. – №. 1. – С. 326-337.
8. Niyazova N. Creation of mathematical models for the management of development of gas fields in the water pressure //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 3. – С. 3-7.
9. Niyazova N. Decision which is providing of effective moving of limit of water and gas in northern nish an mine //Теория и практика современной науки. – 2016. – №. 3. – С. 5-7.
10. Naima N. The oil mines which is the determination of indication automated chain of the construction of mathematical models //Теория и практика современной науки. – 2016. – №. 2. – С. 10-12.